




1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА № 33 (781).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

«Юртимиз обод, хонадонимиз файзли, дастурхонимиз тўкин бўлсин десангиз, кўчат экин!»

Фарғона вилоятидаги Богдоғ тумани меҳнаткашлари ана шу эзгу ниятда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлигини бошлаб юбордилар

Фарғона вилоятидаги Богдоғ тумани меҳнаткашлари ана шу эзгу ниятда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлигини бошлаб юбордилар.

Утган йилги икки ойлик мобайнида ушбу туман ҳудудиде янги-янги боғлар, хибонлар барпо этилди. Кўча ва йўл бўйлари, дала четларига 131 минг туп мева-ли, 461 минг тупдан зиёд терак кўчатлари экилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу хайрли ишдан бирор киши ҳам четда қолмади. Айниқса, «Пахтакор», «Хамзаобод», «Мирзаобод» жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари, халқ таълими бўлими ходимлари, ўқувчи ва ўқитувчилар ҳамда дон маҳсулотлари комбинати ишчи-хизматчилари барчага намуна бўлишди. Натияжада 1993 йилги мусобақа якунига кўра, Богдоғликлар вилоят шаҳар ва туманлари ўртасида ғолиб деб топилди, 500 минг сўм пул мукофоти-га сазовор бўлишди.

Қадамдан ота-боболари-миз фарзанд туғилганда унинг шарафига 7 туп терак кўчати ўтказишни ҳам фарз, ҳам ҳарс деб билишган. Чунки терак — асосий қурилиш ашёси. Уни кўпайтириш ва ўстириш эса жуда қулай. Ўғтибор билан

парварниш қилинса, терак 8—10 йилда иморатбоп бўлиб етилади.

Устига устан, азал-азалдан боғ-роғлар маснани ҳисобланган юртимизда кел-янгиларда янги боғлар яратишга эътибор берилмади. Эскилари эса қаровсиз қолди ёки пайҳон қилинди. Натияжада боғорларда мева-чева нархи кўтарилди кетди. Шунинг учун ёнғон, марвартак, беҳи каби шифобахш меваларни кўпайтириш мақсадида уларнинг кўчатларини кўпроқ ўтказиш, парварнишлагга эътибор бериш зарур. Қолаверса, утган йили экинган ниҳолларнинг бир қисми кўкармай қолди. Демак, уларнинг қаровини кўчатириш керак. Ана шунда юртимиз янада обод, боғларимиз эса саҳоватли бўлади.

Маълумки, пиллачилик ривожини тут дарахларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ айрим жойларда бу ҳақиқат унутилмоқда, ҳатто қиш кунларида ундан ўтин сифатида фойдаланишга йўл қўйилмоқда. Хўжалик раҳбарлари, бригада бошлиқлари, ипак қўрғи боқувчилар тутларни асраш ҳақида қайғурибгина қолмасдан, янги тутзорлар ташкил этишлари зарур.

Шуларни ҳисобга олиб, туман ҳокимлиги яқинда барча фуқароларни баҳор ойларида 4 тупдан мева-ли ва 6 тупдан терак кўчати ўтказишга даъват этди. Айни кунларда каттаю кичик «Юртимиз обод, хонадонимиз файзли, дастурхонимиз тўкин бўлсин десангиз, кўчат экин!» шiori остида ўтаётган кўкаламзорлаштириш икки ойлигида фаол қатнашмоқда. Ғолиблар туманининг 70 йиллиги, Серово станциясининг 100 йиллиги тантаналари арафасида аниқланиб, уларга махсус совринлар ва пул мукофотлари топширилди.

Олимжон ТОҶИЕВ,
«Богдоғ ҳаёти» рўзномасининг муҳаррири.



СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ. Ҳақиқий излаувчи тадбиркорлар учун иқтисодий таълимнинг зарурлиги кўпроқ таъкидланади. Сирдарёлик ишбилармонлар Иброҳим Эгамбердиев ҳамда Набижон Мирзабоевлар ўз фаолиятлари билан бунини исботлашди. Чўлда биринчи бўлиб ишча буюмлар ишлаб чиқарувчи «Шўхрат» кичик

корхонаси ташкил этилди. Тадбиркорларга меҳнат қурилиш, дастлабки маҳсулотлар тайёрлашда андижонлик мутахассис усталар яқиндан ёрдам беришди. Корхона ишга туширилганда кейинги ўтган 2,5 ойлик қисқа муддатда уч мингдан кўпроқ турли хил бижирим рўзгор ва совгабон

ишча буюмлар савдо тармоқларига жўнатилди. **СУРАТЛАРДА:** (чапдан). 1. Уста Маъмуржон Орноров бугунги иқтисодий меҳнат якунидан мамнун. 2. Ишчага гузалик бахш этувчи уста Иброҳимжон Жўраев иш устида. Б. Тўраев олган сурат. (ЎЗА).

ҚИСКА САТРАЛАРДА

Долзарб мавзуда

ҲАВО НЕГА КЕСКИН

СОВУБ КЕТДИ

ЎЗБЕКИСТОН гидрометеорология марказидан изоҳ беришларича, 4-5 февралда Гренландияда пайдо бўлган совуқ антициклон аста-секин Болқон ярим ороли томонига ўтди. 9 февралда келиб, Арктика ҳавза-сидаги доимий совуқ ҳаво оқимига тўйинган ўта совуқ циклон Россиянинг Европа қисмига йилди. Маркази Урал тизмалари жанубида бўлган циклон ҳам кучайди. Айнан шу жараянлар нафақат Европа ва ғарбий Сибирдаги, балки ўрта Осиёдаги об-ҳавонини ҳам ўзгартириб юборди. Антициклоннинг кийиб келиши 9 февраль кундузи Ўзбекистоннинг минтақаларига таъсир ўтказди. Натияжада аввалгига ёмғир ёғиб, кейин у ҳамма ерда қорға айланди. 10 февралда ўтар кечаси Тошкент, Жиззаҳ, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам бу жараян фаоллашди. Ёнғ совуқ тун 11 февралда қайд этилди — ҳаво 10—15 даража совуқди.

Умуман, Тошкентда февраль ойида ҳавонинг 9—10 даражагача совуш ҳар кичи йилда бир марта кўзатилади. 1989 йилда си-моб устунчаси 22 даража совуқни кўрсатган эди.

13—14 февраль кунлари об-ҳаво кескин ўзгарди, кечаси 2—3 даража совуқ кундузи эса ҳарорат 11 даражагача кўтарилди. Маълумки, бундай ўзгариш, яъни куннинг иссиқ билан ҳавога булут чўчиб, албатта ёмғир ёғади. 15-16 февраль кунлари об-ҳавонинг беқарорлиги сақланиб турарди. 16—18 февраль кунлари эса янги совуқ ҳаво оқимининг кийиб келиши муносабати билан кечаси ҳарорат 7—10 даража, шимода — 15—20 даража пасаяди. Кундузи 0—5 даража совуқ бўлади.

КОМБИНАТ НОЯБРДА

ИШГА ТУШАДИ

ГУРЛАН туманидаги тўқувчилик ва тикувчилик комбинати қурилишида иш қилгани.

Бу ишга Туркиянинг «Язекс» корпорацияси бош қўшган. Фабрика ишга туш-гач, йилга 50 миллион сўмлик маҳсулотни сотувга чиқаради.

Ҳозирча монтаж ишлари учун Германия, Италия ҳамда Туркиядан асбоб-ус-куналар келтирилмоқда.

Комбинат қурилиши шу йилнинг ноябрь ойида ниҳон-сига етади.

Ю. ВОҲИДОВ.

ҲОИДАНИНГ БИР

ҚИСМИ-ХАЙРИЯГА

ЯККАБОҒДА Чимкент вилоятидаги «Мақсад» ҳай-рий компаниясининг филиали ишлаб турибди.

Ўзгаларга ёрдам кўрсатиш учун аввало корхона-нинг ўзи аяллов бўлиши керак. Бу ҳам бозорнинг эҳтиёжларига қўйилган талаб. Ҳозир филиал ҳафтада 30 га яқин кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилапти.

Германия ҳамда Беларус-дан келтирилган кичик за-в

вод линиялари иш суръати-ни анча оширди. Филиалга келатган фойданинг бир қисми ёрдам тариқасида кам таъминланган оилаларга ажратилмоқда.

Х. ЮСУПОВ.

ЗАМОН

БОҚИМАНДАЛИКНИ

КЎТАРМАЙДИ

БИР пайтлар доврўг тар-ратган Навоий туманидаги «Наврий» давлат хўжалиги бирдан... туртга бўлинди. Эндиликда бу ҳудудда «Ма-данит», «Налойир», «За-рафшон», «Наврий» жамоа хўжаликлари вуқудга келди.

Давлат хўжалигининг жа-моа хўжалиқларига айланти-рилиш бозор иқтисоди-яти талаби, албатта, Ҳозир давлат газасининг «очил-дасурухон» деб ўйлаш, бо-қимандаликдан бошқа нар-са эмаслигини тушуниб ет-ганларга қўйил.

М. МАРДИЕВ.

ЕШЛАР БИЛАН

МУЛОҚОТ

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги Садриддин Айнӣ номли 84-мактабда «Ўсимир, қо-нуни, маърифат» мавзуда бевоқиф мулоқот ўтказил-ди. Ўзбекистон Республи-

каси Прокуратураси ва Давлат телерадиокомпани-яси томонидан уюшти-рилган бу учрашувда про-куратура, Халқ таълими вазирлиги тармоқ раҳбар-лари, Тошкент давлат уни-верситетининг педагог олимлари, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бош-қармаси вакиллари қат-нашдилар. Юзма-юз муло-қот чоғида ўсимирлар ўр-тасида содир бўлаётган жиноятчилик ва қонуно-зарликка барҳам бериш, ҳуқуқий таълимда етилган муаммоларга доир қатор саволларга жавоб берилди.

Ф. ҚИЛИЧЕВ.

Ўзбекистон Республика-си Прокуратураси маъ-буот марказининг бош-лиғи.

ТЕХНИКА ТАХТ

ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

Наманган вилояти хўжа-ликларида баҳорги энйи-текин ишларида фойдала-ниладиган техникани ма-всумга тахт қилиш ишлари тугатилди. Ўтган йиллар-дан фарқи равишда бу иш четдан эҳтиёт қисмлар кел-тирилмай удаланди — ви-лоятдаги таъмирлаш заво-длари ердан берди. Улар ай-рини узеаларни, моторларни, икки юз хилга яқин детал-ларни тайёрлаб, таъмирлаб берди.

«Қишлоқхўжаликташминот»

таъмир» вилоят бошқар-сининг бўлимлари баҳорги мавсумда ишлатиладиган техникадан сўнг озуқа ва дон комбайнларини ишга тайёрлашга киришди. Ҳо-зироқ йилгирмага яқин дон комбайни мавсумга тахт қи-лянди. Бу йил вилоятда ғалла майдонлари анча кен-гайирилди. Шу сабабли дон комбайнларини сотиб олиш масалалари ҳал қи-лимоқда.

Ассосан банк тўловлари-нинг ўтмаётгани билан бо-лиқ қийинчиликларга қара-май, вилоятта кўлаб янги техника — МТЗ—80, Т—4А тракторлари, сейалкар, картошка қазийдиган агре-гатлар келмоқда. Трактор-ларнинг моторларига эҳтиёт қисмлар, автомашиналар, гидронасослар келтирилди. (ЎЗА).

НАВРЎДА

«ЭЛТЕКС»ГА КЕЛИНГ

ЭЛТИҚАЛҒА туманида Туркия саноатчилари билан ҳамкорликда қурилатган «Элтекс» тўқимачилик ком-бинати Наврўз байрами ара-фасида фойдаланишга топ-ширилди. Корхонада тай-ёрланган маҳсулотларнинг катта қисми хорижга чиқа-рилади.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДАМХЎЖАДАН СУВ

ИЧИШАПТИ

ЯНГИ ЙИЛ арафасида Дамхўжа-Навоий-Бухоро ул-кан сув ишлоати қурилиши ниҳоясига етказилиб, Бухо-рога қурулар орқали илк марта тоза ичимлик суви келган эди. Трассада назо-рат кучайтирилди. Мута-хассислар сув сифатини вақти-вақти билан қўриқдан ўтказиб туришди. Дамхў-жанинг зилол суви ўзининг юмшоқлиги ва таркибдаги минерал моддалар, айниқса, тузнинг камлиги билан ин-сон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Б. ВАЛИЕВ.

ҚИШЛОҚЛАР ТЎЛА

ГАЗЛАШТИРИЛДИ

ҒИЖДУВОН туманидаги А. Ғиждувоний номли жа-моа хўжалиги қишлоқлари тўла газлаштириш мақсади-да 300 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратган эди. Натияжада 16 қишлоқ, ти-ббат ва маърифат ўқоқлари, қорачилик фермаси ва бошқа бинолар юз фоз газ-лаштирилди.

В. ВОБОМУРОВОВ.

ЎЗБЕКИСТОН

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қиладилар

ЮГОСЛАВИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
МОСЛАМАДА ФАРҒОНА МУРАБВОСИ

ФАРҒОНА консерва заводи ашиғида маҳсулот харид қилиш учун навбат кутаётганлар сафи кенгаймоқда.

САБАБИ, корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати анча яхшиланди. Бунга эса ускуналарни янгилаш, ишлаб чиқариш техно-логиясини такомиллаштириш йўли билан эришилди. Югославиядан келтирилган янги линия ўрнатилди, мева шарбатлари, қиём ва мурabbo тайёрлаш технологияси яхши-ланди.

БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛГА

ТАТИЯДИ

БУ нақли яхши ту-шунган меҳнаткор-таъмирловчилар Иб-роҳим Қодиров билан Валижон Эгамбердиев отини барвақт қамчи-лашган. Улардан ўр-нак олган Задарё ту-мани механизаторлари кўклагини дала ишла-рида қўлланиладиган техника воситаларини таъмирлаб бўлишди. Энди улар терим а-регаторларини созлашга киришдилар.

ЯНА 26 ТА ҚУДУҚ

ЎТГАН йили Қўқдумалоқдаги нефть қудуқларидан қазиб олинган 1.250 минг тонна маҳсулот қай-та ишлаш корхоналарига юборил-ган эди.

БУ ЙИЛ нефть қудуқлари янада кўпаяди. Чунончи, йил охиригача яна 26 та қудуқ қазил-сулот бера бошлайди. Январ ойида қазил-ган учта янги қудуқдан хомашё олина бош-ланди.

ШИШАДАН САНЪАТ АСАРИ

ҲАҚИҚИ тадбиркор жонсиз шишадан кўзини ўйлатувчи гўзал буюмлар наешин ҳеч гап эмас.

ИШБИЛАРМОН Иброҳим Эгамбердиев билан Набижон Мирзабоев бунини ўз сабаб-ларидан билан ишбодладилар. Улар Мирза-қудда биринчи бўлиб «Қишлоқхўжаликташми-нотсозлаш» бирлашмаси қошида шишадан турли буюмлар ишлаб чиқарадиган «Шўх-рат» кичик корхонасини оқдилар. Маҳаллий хомашё етарли. Ҳозирнинг ўзидаги ишбилар-монлар уч минг дондан зиёд турли ноёб буюмларни савдога чиқардилар.

ЯПОН ДАСТОҲЛАРИНИ «САЙРАТАТ-ГАН» КАРМАНАЛИК ЧЕВАРЛАР

ЧЕВАР тикувчилар Холдоби Ғойибова билан Марзия Кеңжаева уларни туғган жер-лерларини қийиб қури-шиб, чехларига та-бассум югурди. Демак, меҳнатлари зое кет-мабди, ҳамма оғринмай харид қилади, албатта. Кармана шаҳридаги ҳиссдорлик жамияти-га қарашли «Юлдуз» тўқув пехида бундай қўлгул чеварлар кўп. Улар Япония ва Хи-ндистондан келтирилган замонавий дастох-ларни моҳирлик билан бошқармоқдалар.

ЧУНЦЕ — ЯНГИ ЙИЛ ДЕМАК

ТОШКЕНТДАГИ 59-мактабда хитойча янги йил тантаналари бў-либ ўтди.

АЙНАН шу мактабнинг танланганлиги бе-жиз эмас. Бу ерда қадимий Чин мамлақати тарихи, маданияти ва хитой тили чуқур ўрга-нилади.

Чунцзе байрамида ХХРнинг Ўзбекистонда-ги элчиюнаси вакиллари, мактаб тиллари уни-верситети ва шарқшунослик институти олим-лари, жамоат арбоблари иштирок этдилар.

А. СОВИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Иқтисодиёт чорраҳаларида

ХОРАЗМ—ХИТОЙ ПОМБАРХАТИ ВАТАНИ

Нафақат Хоразм воҳаси, балки бутун республикамиз-да ягона ҳисобланган «Мерседес-Бенц» автомобил-созлик заводи ва шакар фабрикаси чет эл компания-лари ҳамда сармоядорлари билан ҳамкорликда барпо этилаётгани кўпчиликига эън. Аммо, Урганч шаҳрида қуриб битказиладиган яна бир янги корхона — пом-бархат ва виолор газламалари фабрикаси ҳам ҳамкор-лик меваси эканини баъзилар билмасалар керак.

Хитойнинг асл ипак газ-ламаларига юртимизда эҳ-тиёж катта. Мазкур корхо-на ана шу эҳтиёжнинг тўла қоплаш ҳамда бозорини сези-ларли даражада бойитиш иқтисодий беради. Бунёдкор-лик бораидаги асосий иш-лар ниҳоясига етди. Нарх-навоининг ўтган йилги ҳола-тига қараганда 1 миллиард

рида яратилган. Айни кун-ларда бу ерда қўлнинг-қўлга бериб меҳнат қилаётган хи-тоиллик ва хоразмлик му-тахассислар янги корхонани шу йил май ойида тўқима-чилар ихтиёрига топшириш қафолатини беришмоқда.

Хитой мовут газламалари корхонаси Урганч ишлакаш-лик фабрикаси билан бир ерда жойлашган. Аниқроғи, корхона ана шу фабрика-нинг маблаг эвазига барпо этиляпти. Демак, урганч-лик ипак йигирувчилар тай-ёрлаган хом ашё шу ернинг ўзида тайёр маҳсулотга ай-ланади.

Халқимиз кўз тиккан маз-кур корхона қурилиши ви-лоят ва Урганч шаҳри ҳо-кимликлариининг доимий диққат-этиборида турибди. Шаҳар ҳокими, қурувчи-муҳандис Рустам Султонов-и эса қўнғича шу ерда уч-ратасиз. Ёчимини кутайтган ишлар, режалар, вазибалар шаҳар ва вилоятдаги тегиш-ли корхона ҳамда ташкилот-ларнинг мутасаддилари, ва-киллари иштирокида шу-жойининг ўзида таҳлил эти-лаётгани яратувчилик ишла-ри суръати ва сифатиға са-зали таъсир ўтказаяпти.

Яна бир янгилик, яқинда вилоят марказида «Хитой савдо уйи» фаолият бошла-ди. Қад рустлаган корхона маҳсулотларининг бир қис-ми энди мазкур савдо-тико-рат даргоҳи орқали аҳоли қўлига етиб бора ажаб эмас. Буларнинг бари юр-тимиз омилкорларининг хал-қимиз ва мамлакатимиз э-тиқболи йўлида ташлаган қадамларининг натижасидир. Нима ҳам дердик, ишни қў-йиллатган ишбилармонлар қаддини улаверинсин.

А. СОВИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР



Ямин ҚУРБОН

ЯНГИ МАСАЛЛАР

ОТЛАР

Ен қўшни отига дуч келиб ногоҳ,
Нолиди хўжасин қоралаб Саман:
«Во, зугуми, ҳай-ҳай, қиладир-е
доғ,
Ҳар сўзи қўнглима — заҳарли
тикан.

Укириб урадир човинга ширт-ширт,
Эмишман, воҳ-воҳ-воҳ қайсару
ялқов!
Кўрмайдир мен каби хорлик
ҳатто ит,
Бўладир ҳар маҳал оромимга гов».

«Дезурлар, яхши от наҳин тегизмас,
Келур ёмондан хиқилоққа жон,
Ҳай отнинг аввори эрс ярамае,
Узини сенингдек этур намоён».

НОШУД

Ношуднинг ҳолига келдим раҳим,
Ейилди Бойбува юрагин тахи;

Битта нон ёки бир таंगा ўрнига
Бир йўла битта қўй тутди қўлга.

Ношуд, денг, дуони қилди-да ёрлик,
Йўртди бот жаннатдек туюлди
борлик.

Бир маҳал қизик ҳол, қаранг,
берди рўй,
Дайдди бир итдан, денг, хуркиб
кетди қўй.

Кетидан гўёки қувгандек йиртқич,
Қочди нақ ичига тушибон қирғич.
Тутувнинг эвини тополмай Ношуд,
Бақирди чиқибон қўзларидан дуд:

«Қоча олмасди, эҳ, бу қадар жўшиб,
Бой қўрғур бир бошбоғ берганда
қўшиб!»

СЕМИЗ ВА ОРИҚ

Битди пешонамга икки дов совлик,
Бир денг тирсилдоқ, биридир ориқ.

Семизни малладир, ориқи — қўнғир,
Қўнғирга малланинг отгани чўғдир.

Охурга озуқа солинган палла,
Зарб ила унга шахт урадир калла.

Ҳай-ҳай, ўт-авлиё, еmdir пайғамбар,
Қилига баайни итгадир манғзар.

Пичоқ суякка етдиёв чоғи,
Урилди ориқнинг ерга туёғи:

«Мунчалар қўзинг оч бўлмаса,
баттол,
Қилдинг меингани бир афтоҳол.

Ахир, қўрқ гуноҳдан, қўрққил
Тангдидан,
Мунчалар шайтоннинг тутдинг
баридан!»

Семиз, денг, қўй сари кўтариб
тушди,
Ачитқи ичгандек бўймайтди тур:

«У-ў, ўчир товшингни,
бурқитмагил чанг;
Сенга ким қўйибди ўгитни, лаванг!»

Елар нафе йўлида мисоли қуюн,
Қўнглига гўёки ҳоқондир қўзғун.

Афеуски, бу хиллар ҳали кўпдир-е,
Адолат қўзига тушган чўдир-е.

Қ И Ш К И
ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

ОСЛОДАН 200 чақирим шимолда жойлашган Лил-
лехаммерда ҳозир ҳаво совуқ, Бироқ мусобақаларнинг
кун сайин қизгин тус олиб бораётгани бонс олимпиа-
дачилару юзминглаб мухлислар учун бу совуқ пискан
бўлмай қолди.

Лиллехаммердан пидеа
чиққанда беш дақиқалик
масофада жойлашган трам-
плинлар мажмуасидан ибор-
рат Олимпиада боғи — XVII
Қишки Олимпиаданинг
«юраги» саналмоқда. Чун-
ки, бу ерда «учар чангичи-
лар» мусобақасидан ташка-
ри «Оқ Олимпиада»нинг
ёпилиш маросими ҳам ўтқа-
зилди. Сиз ойнаи жаҳон
орқали кўрган «Олимпиада»
— 94» ўйинларининг очил-
лиш тантаналари ҳам айнан
шу ерда бўлиб ўтди.

Лиллехаммерга жаҳоннинг
барча мамлакатларидан 1800
спортчи етиб келди. Улар
билан бирга келган мураб-
бийлар эса 1500 нафар.
Қизғин шундаки, бу ерга
ташриф буюрган журналист-
лар спортчилардан 4 бара-
вар (8 минг киши) кўпдир.
Қишки Олимпиадада тақлиф-
қилинган фахрий меҳмон-
лар эса 30 минг кишидан
зиёддир.

Дунёнинг барча бурчига
Олимпиаданинг бориши ҳа-
қида ахборотлар тарқатади-
ган телерадиомақоказ мез-
бонларга 73 миллион дол-
ларга тушди. Мутахассислар

фикрича, бу телемарказ
ёрдамида Қишки Олимпиа-
дани деярли 2 миллиард
киши ойнаи жаҳон орқали
томоша қилиши мумкин.

Олимпиаданинг дастлаб-
ки совриндорлари аниқ бўл-
ди. 30 чақиримлик чанги
пойтасида норвегиялик То-
мас Алсгард «олтин» ме-
далини қўлга киритди. Шу
масофада старта чикқан
унинг ҳамюрти Бьери Дали
эса маррага иккинчи бўлиб
етиб келди.

Конкида югуриш (500 м)
мусобақасида эса россия-
ликлар дастлабки «олтин»
ва «кумуш» медалларга эга
бўлишди. А. Голубев би-
ринчи, Сергей Клевеченя ик-
кинчи бўлиб марра чизиги-
ни кесиб ўтди.

Кеча бизнинг фристайл-
чилар ҳам Олимпиада трам-
плинига чиқдилар. Бугун
фигуралли учувчиларимиз —
Алики Стергнаду ва Юрис
Разгуляев ҳамда Динора
Нурбоева ва Муслим Сатто-
ров жуфтлиги Қишки Олим-
пиада баҳсларига киришди.

Р. ЖУМАЕВ.

ЎТГАН йили Москвада
бўлиб ўтган МДХ мамла-
катларининг чемпионлари
турнирида «Пахтакор»нинг
истеъдодли ҳужумчиси Со-
бир Ҳодиев қаттиқ жаро-
ҳатланиб, йил давомида яшил
майдонга чиқолмаган эди.
Тўпуралик маҳорати ту-
файли Собирни ёқтириб қол-
ган мухлислар бахтига у яна
футболга қайтди. Бунинг
устига узоқ муддатли та-

БИР ЙИЛЛИК ТАНАФУСУДАН СЎНГ

наффусга қарамай, Ходиев
тўпуралик маҳоратини йў-
қотганича йўқ.

Янги мавсумга ҳозирлик
кўраётган Тошкентнинг
«Пахтакор» жамоаси Қиб-
райда иккита ўртоқлик уч-
рашуви ўтказди. Дастлаб,

Гулистоннинг «Сарбоз» клу-
бини 2:1 ҳисобида мағлуби-
ятга учратди. Кейинги сафар
Қозоғистоннинг «Жигер»
жамоасидан 3:1 ҳисобида ус-
тун келди. Собир Ҳодиев
ҳар икки учрашувда ҳам
биттадан тўп киритди.

СОВРИННИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

МХСК спорт саройида
таэквандо бўйича Ўзбекис-
тон кубоги турнири яку-
ланди. Унда Қозоғистон ва
Қирғизистон спортчилари
ҳам қатнашишди.

Ўз вазнлари бўйича Р.
Тошпўлатов (50 кг, Тош-
кент), М. Темиралиев (54

кг, Қозоғистон), В. Пак (64
кг, Қозоғистон), С. Ким (58
кг, Сирдарё), В. Шумейко
(70 кг, Сирдарё), К. Кузне-
цов (76 кг, Тошкент), С.
Токоров (83 кг, Сирдарё),
А. Ким (83 кгдан юқори,
Тошкент) турнир голиблари
бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида тош-
кентлик спортчилар турнир-
нинг бош совринини қўлга
киритишди.
Совриндорларга мукофот-
ларни Қозоғистоннинг Ўз-
бекстондаги фавқулодда ва
мухтор элчиси Сайлау Бо-
тиршо уғли топширди.
Х. ЭРМУХАММАД.

Учта «олтин» медал билан қайтишди

СПОРТ гимнастикаси
бўйича АҚШнинг Бал-
тиморе шаҳрида ўтказил-
ган чемпионлар кубоги
турнирида ҳамюртимиз Ок-
сана Чусовитина муваффа-
қиятли қатнашди.

Оксана бу турнирнинг бир
йўла учта «олтин» медали
билан юртимизга қайтди.

Ер юзининг энг кучли
гимнастикачилари кўпқу-
раш, брус ва эркин
машқларни бажариш бў-
йича ҳамюртимиздан ор-
тда қолди. Яна бир ва-
қиялимиз Роза Галиева эса
бу турнирда фахрли бе-
шинчи ўринни эгаллади.
Умуман, Балтиморе му-
собақаси спортчиларимиз

учун жаҳон чемпионати-
нинг шахсий биринчилиги
олдида халқаро майдон-
да ўз маҳоратларини си-
наш вазифасини ўтади.
Эндилда Оксана ва Ро-
за апрель ойда Австра-
лияда ўтказилган жаҳон
шахсий биринчилигига ҳо-
зирлик кўришапти.
Х. РАСУЛОВ.

ЭКСПО - 94

«ТЕХУНА»

“Тексуна” компаниялари гуруҳи

(Marbo Ltd., Pinehill Enterprise Ltd., Hillford Industries Ltd., Greenstone Ltd.)


“ТЕКСУНА КОМПАНИЯЛАРИ
ГУРУҲИ” концерни Гонконгдаги бош
офис, МДХдаги олтига офис ва
Европа, Осиё ҳамда Америкадаги
ваколатхоналари билан 35 йиллик савдо
тажрибасига эга. Бизнинг бир йиллик
оборотимиз 300 миллион АҚШ
долларидан ошиб кетади.

21-26 февраль кунлари
ўшказиларган кўргазмага
қўйидагилар ҳавола қилинади:

- | | |
|---|----------------------------------|
| Болалар кийимлари | - Чико (Италия) |
| Эркалар ва аёлларнинг
кийим ва пойабзалари | - Тексуна, Бартер Групп (Швеция) |
| Видео, аудио ва
телетехника | - Панасоник, Хитачи (Япония) |
| Автомобиллар | - Вольво (Швеция) |
| Телекоммуникациялар | - Эриксон (Швеция) |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | - Бартер Трейд (Швеция) |

Кўргазма соат 10⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача қўйидаги манзилда ўтказилади:
Тошкент, Ўзбекистон шох кўчаси, 45 (Кооперация уйи).

Тўғридан-тўғри шартномалар манфаатлидир.
Циклониятингизни қўлдан берманг!



ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»),
Эркин ВОҲИДОВ, Миралмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳар-
рир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное
слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ,
(масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Мухаммаджон
ҚОРАБОВ, Саидхорр ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир
Ж. Сафоев, набатчи
О. Раҳимов.